# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 24 IYUN, SESHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№80 (6.605). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА



ЭҲТИЁТСИЗЛИК – УМР ЗАВОЛИ

(1-2-саҳифаларда)

ФИҒОНИДАН "ЎТ" ЧИҚҚАН РАИС

(1-2-саҳифаларда)



"ХОРАЗМЛИК МАХАРАДЗЕ"

(4-саҳифада)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Юқори сифатли рақобатбардош тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, хўжалик тузилмалари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқласинлар ҳамда имтиёзларни қўллаш ва бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюджетига ундириб олинади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган жарима жазолари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 20 июнь



**Учқўрғонлик Алижон Мадраҳимов ўз касбининг устаси. У ўтган йил ўзи бошқараётган "Кейс" русумли комбайн билан 800 гектар ердаги ҳосилни йиғиштириб берган эди. Бу йил 1000 гектардаги ғаллани ўриб бермоқчи.**

**-Ҳосил мўл, бункер тез тўлаяпти, - дейди комбайнчи. – Шу боис тушлик маҳалдаям вақтдан қизғонаман. Нонуштани тез тугатиб далага отланаман. Мавсумни тез ва соз тугатсак, биз ҳам, деҳқон ҳам катта наф кўради.**

**СУРАТДА: Учқўрғон МТПсининг илғор комбайнчиси.**

П.АКБАРОВ олган сурат.

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Г.Б.Измайлова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.**

**● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида республиканинг бир қатор илғор ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.**

**● «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида цемент билан бир қаторда, майдаланган шағал тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.**

**● Бухоро механика-таъмирлаш заводида гимнастика жиҳозлари, тренажёрлар, баскетбол шитлари, волейбол устуни, турли оғирликдаги гантеллар, хуллас, ўн саккиз турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят кенгаши ҳар бир туманда биттадан спорт майдончаси барпо этиш ташаббуси билан чиққан эди. Темирйўл тумани камолотчилари вилоятда биринчи бўлиб бу ташаббусни амалга оширди.**

**● Республика кўчмас мулк биржаси Самарқанд вилоят бўлимида электрон савдо йўлга қўйилди.**

**● Пойтахтимиздаги «Ле Меридиан Тошкент Палас» меҳмонхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Навоий кончилик институтининг Олмалиқ кон-металлургия факультетида қабул комиссияси иш бошлади.**

**● Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мамлакатимизнинг энг кекса ҳарбий ўқув муассасасида таълим ва тарбия топган ёш офицерларнинг битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**● Тиббиёт ходимлари куни арафасида Кегейли туманидаги «Жалпақжап» овул фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган «Шўқтўранғил», Шуманай туманида эса «Деҳқонобод» қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.**

**● Тошкентда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда АКСЕЛС ташкилоти томонидан АҚШ ҳукуматининг таълим алмашинуви дастурлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.**

## ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

***ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Назокат Усмонова/. Мустақил фикрли, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек масъулиятли вазифага эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугун юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришда айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган «Истиқлол умидлари» битирув кечаси буни яна бир бор тасдиқлади.

«Ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» шиори остида ўтган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан жорий этилаётгани, унинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда кенг эътироф этилаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар катта ҳавас билан қараётгани таълимдаги ислоҳотларнинг нақадар тўғри ва ҳаётийлигини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Зулфия номидаги Давлат, «Ниҳол» мукофотларининг таъсис этилиши, пойтахтимизда халқаро Вестминстер университетининг очилиши ёшларга бўлган катта эътиборнинг яққол намойишидир.

Бу йил ҳам минглаб ёшлар мактабни тамомлаб, олий ўқув юртлари талабалари сафидан жой олиш ёки республикамиз тараққиёти учун зарур бўлган касб-корни эгаллаш орзусида. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган, ҳуррият неъматларидан баҳра олаётган бу ўғил-қизлар том маънода истиқлол умидларидир.

Кечада сўзга чиққанлар юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини юзага чиқариш, жамиятдаги ўзининг муносиб ўринларини эгаллашлари учун кенг шароит яратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда миллатимиз эртаси бўлган ёш авлоднинг жисмонан баркамол вояга етиши учун тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, мунтазам ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишида, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳарбий, спорт, бадиий жамоалар тайёрлаган махсус байрам дастурлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

## БУҒДОЙГА МЕҲРИ ТУШГАН ОДАМЛАР

МАВСУМ

***Қумқўрғоннинг "Қумқўрғон" хўжалигидамиз. Ғалла ўрим-йиғими ишлари авжига чиққан.***

-Бу ер Бобатоғ этаклари, - дейди ширкат етакчиси Абдулла Қурбонов. – Ижарачи Эшдавлат Чориевнинг ғалласи. Йил ёмон келди. Қиш чўзилди. Ҳаво қизимай ётди. Осмондаги булутни қаранг. Буғдой офтобнинг тафтида пишади. Бир гапни айтсам, деҳқонларимиз доннинг ҳадисини олди. Тажриба керак экан-да...

Шу пайт "Кейс" комбайни яқинлашди. Унинг гуруллаган овозидан суҳбатимиз бўлинди. Комбайнчи кабинадан тушиши билан ўринбосари техникани юргизиб кетди.

-Усан Оллоёров – зўр комбайнчи, Сурхондарёга номи кетган, - деди Абдулла ака.

-Чарчамаяпсизми? – сўраймиз комбайнчидан.

-Йўғ-э. Негаки, далалар тоза, бегона ўтлар кам. Бошоқларни қаранг. Залворли. Комбайн билан бир бориб келамиз, бункер тўлади.

-Техника техника-да, тўхтаб қолмаяптими?

-Кўз тегади, "туф-туф", денг, - гап ташлади хўжалик раиси. - Ўн беш кундан бери ўраяпти. Битта комбайн ҳам бир минут тўхтагани йўқ. Қумқўрғон МТПсининг бошлиғи Эргашхон ака Қаҳҳоров келганида "бу йил таъмир яхши бўлган экан", деб айтдим.

Хўжалик ғалла омборидамиз. Ў-ҳў, дейман. Катта майдон дон билан тўлиб-тошган. Машиналар, трактор тиркамалари тинимсиз ғалла келтираяпти. Тарозибон Нуриддин деган йигитнинг қўли-қўлига тегмайди. Нарироқда юклагичлар донни машиналарга ортаяпти. Телефон, рация бир лаҳза тиним билмайди. Туман МТПсига сим қоқдик. Навбатчи қисқа, аниқ ва лўнда ахборот берди:

-12 та "Кейс" комбайнимиз бор. Ҳаммаси зўр ишлаяпти. Ҳар бир комбайн бир кунда 20-25 гектарни ўраяпти. "Қумқўрғон", С.Бойматов номли, "Беш қаҳрамон" хўжаликларида ўрим 3-4 кун ичида тугайди. Ҳар бир комбайн қаерда, қандай ишлаётганини қараб турибмиз. Ҳаммаси билан алоқа ўрнатилган. Туманимиз "план"ни шу ҳафта бажаради, чоғи.

Навбатчининг гапидан хурсанд бўлдик. Ижарачи Холиёр Маматқулов биз томонга келди. Бир қўлида иккита иссиқ нон, бир қўлида чинни косада муздай сув. Болалигимдаги тандир бошида иссиқ нонни сувга ботириб еганларим ёдимга тушди...

Сўрашгач:

-Бу йилги буғдойнинг унидан, - деди ижарачи.

Ҳосил мўл. Ер эгасини топаётир, шартномалар қатъий. Ислоҳотларнинг ўзи бу! Ислоҳотнинг меваси – бу!..

Қумқўрғон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Тожи Мамараимовнинг айтишича, бу йил туман 8140 гектарга ғалла экказ. Давлат режаси салкам 22000 тонна. Тез кунда шартнома уддаланади. Кунига 5-7 фоиздан дон тайёрланаяпти.

Сурхондарёнинг қайси туманига борманг, далаларда комбайнлар гуруллайди. Хирмонларда олтиндай донлар. Йўлларда ғалла юкланган машиналар. Безовталиклар, елиб-югуришлар ғалла туфайли, ҳисоб-китобларда – ғалла, гурунгларда – ғалла.

Сурхондарё тошқин ва шошқин ғалла ўрими билан нафас олаётир...



**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

ЭҲТИЁТ-ШАРТ!

***Ёз фаслининг ўзига хос гашти, тароватли бор. Табиийки, одамлар кунлар исиши билан каналлар, очиқ сув ҳавзалари, анҳор ва кўлларда чўмилишга эҳтиёж сезадилар. Ҳордиқ чиқариш мақсадида салқинроқ жой излаб, саёҳатга отланадилар. Дам олиш масканлари, айниқса, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари чўмилиш ҳавзалари янада гавжум бўлади.***

Тўғри, фусункор табиат бағрида чигални ёзиб, чарчоқни унутиб, асабларни тинчлантириб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бундай пайтда оқар сувга бир шўнғиб чиқиш қандай завқли. Бироқ, айрим ҳолларда сувда чўмилиш ҳодисалари кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир. Яна бир ҳолатга эътиборни жалб этмоқчимизки, чўмилаётганда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки сув остида турли шиша синиқлари, очиб ташланган консерва идишлари, металл ва бошқа қаттиқ жисмлар ҳам бўлиши мумкин. Йўқса, тананинг бирор жойи лат еб, жароҳат олиши ҳеч гап эмас.

Ҳукуматимиз фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишларни амалга ошираётганига қарамасдан, бахтсиз тасодифлар учраб турибди.

**(Давоми 2-бетда)**

НИГОҲ

## ЕРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

***Қозоғистон Республикасининг Тўрғай вилоятида Тўрғай дарвозаси бор. Бугунги кунда ана шу дарвоза тўсиқлари очиқ қолгани сабабли шимолдан ўқтин-ўқтин совуқ шамол оқими эсиб келаётгани сезилиб турибди.***

Суви камайиб кетган Оролдан учаётган тузлар деҳқончиликка қирон келтираётгани ҳам бор гап.

Туз босган ерлар анча сувуб кетади. Ҳосилдорликнингку пасайиб кетишини айтмай қўя қолайлик. Оролнинг Марказий Осиё минтақасига таъсири 70-йиллардаёқ аён эди, бугун бу ҳолат бутун дунёга маълум.

**(Давоми 3-бетда)**

## ТЎРТ КИЛО КАРТОШКАГА БИР ШИША СУВ

ТААССУФ

***Қудрат ака анчадан буён буйрак хасталигидан азият чекади. Шифокорлар кўпроқ минерал сув ичишни тавсия қилишган.***

Чунки чуқур ер қаъридан чиқадиган, таркибида турли минераллар бўлган шифобахш сувлар инсон саломатлиги учун кони фойда эканлиги аллақачон ўз исботини топган.

Яқинда у кишини бозорда картошка сотаётганида кўриб қолиб ҳол-аҳволини сўрадим.

-Э, ука, нимасини айтасиз, бир литр минерал сув 650 сўм бўлса. Инсоф қолмабди-да ўзи. Тўрт кило картошка сотиб бир баклашка сув олдим. Ахир мен шу картошкани етиштириш учун уч ой меҳнат қилганман. Газланган бир шиша сув учун қанча харажат сарфланар экан, билмадим.

Қудрат аканинг куюнганича бор. Турли ёрлиқлар билан чиқарилаётган бир ярим литрлик минерал сувлар 500 сўмдан 650 сўмгача сотилаётир.

Экология бузилмаганда, сувларимиз ҳаддан зиёд ифлосланмаганда халқимиз тозаланган минерал сувларга унчалик эҳтиёж сезмаган бўлар эди.

Хўш, минерал сув тайёрлаш шунчалик мураккаб технологик жараёнми, катта маблағни талаб қиладими? Ёки хомашё, яъни сув ҳам хориждан келтириладими?

Хайриятки, ундай эмас. Ўлкамизда шифобахш сувлар исталганча топилади. Зилол сувли чашмалар ҳам мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида мавжуд.

Лекин ҳозирда ишлаб чиқарилаётган минерал сувлар айнан шифобахш ва булоқ сувларидан тайёрланаётирми ёки оддий водопровод сувига газ қўшишаётирми, бу ҳақда сўз айтишдан қийналиб турамиз. Чунки ҳозирда савдога чиқарилаётган сувларнинг инсон саломатлиги учун қанчалик фойдали ёки бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақида уни истеъмол қилганлар баҳо берар.

**(Давоми 2-бетда)**

АТТАНГ

## БАҲОНА ОФАТДАН ЁМОН

***Кимнинг қандай ишлаётганлигини рақамлардан билса бўлади. Музрабод туманидаги "Қўнғирот" ҳамда А.Қодирий номли хўжаликларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда яхши натижалар қўлга киритилмоқда.***

Биринчисида 2002 йилда ҳар гектар майдондан 55,6 центнердан ғалла ишлаб чиқарилди. Давлатга 5711 тонна пахта етказиб берилди. Иккинчи хўжаликда ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Янги ер маҳалласида хонадонларга 3800 метрлик газ қувурлари ўтказилиши режалаштирилган. Бу йил ҳам жамоаларда экинлар ривожи яхши.

**(Давоми 2-бетда)**

## УМИД МАШЪАЛИ СЎНМАСИН

ТИББИЁТ

***Ўн йилча аввал яқин биродаримнинг аёли тўнғич қизини эрта-индин турмушга узатаман, деб турган пайтда, ўз-ўзидан кўр бўлиб қолди. Хонадонга совуқчилик оралади, оила аъзоларининг кўнглида ҳадик аралаш катта сўроқ пайдо бўлди. Энди, буёғига тўй татирмиди?***

Оғайнимиз топарман-тутарман бўлгани учун аёлини машинага ўтқизди-ю, пойтахтга, дўхтирларнинг "каттакони"га кўрсатгани жўнади. Мен ҳам бирга эдим. Офтальмология марказидагилар ожизани бир кўришдаёқ компьютер тамографияси лабораториясига юборишди.

Мониторда Қурбоной опанинг бош мияси тасвири пайдо бўлди. Мутахассислар биргаликда ўзаро фикр юритишгач, ташхис қўйган бўлишди. Бироқ уларнинг юзу-кўзидаги бесаранжомликдан хавотирга тушдим ва аниқ ташхисни маълум қилишларини талаб қилдим. Шунда бўлим мудири беморнинг "гипофиз аденомаси" касаллигига чалинганини, бемор кечиктириб олиб келингани боис, аденома анча ривожланиб кўриш, нервларини эзиб қўйганини айтишди.

Аён бўлдики, ўша пайтда гипофиз бези аденомаси билан оғриган беморга жарроҳлик ёрдами кўрсатишда маълум бир муаммолар борлиги боис, беморнинг операция столидан омон чиқишига ишонч ва кафолат йўқ экан. Бемор тақдирга тан бериб, юртига қайтди...

Орадан ўн йил ўтди. Ўтган йиллар мобайнида нейроэндокринология борасида қандай силжишлар бўлди? Гипофиз касалликлари билан оғриш оқибатида икки кўзи кўр ёки бепушт бўлиб қолган навниҳол келин-куёвларнинг саломатлигини тиклашга эришилдими?

**(Давоми 4-бетда)**

"ҒАЛЛАБАНК" – ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ОТДАН ТУШМАГАН БАХШИ | БАШАР МУЛКИ | АЙЛАНМА ҚАРЗ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ...

***Ўлмас ота-онасидан эрта етим қолди. Рўзғорнинг бор ташвиши энди унинг зиммасига тушди. Фалокат бир келса келавераркан. Эндигина 16 ёшга кирганида, якка-ю ёлғиз синглиси оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Синглисини даволатиш учун қўшниси Аҳмаддан қарз сўраганди. Лекин у:***

-Сенга қарз беролмайман. Олмоқнинг бермоғи бор. Эртага қандай қилиб қайтарасан? Эшигингда на молинг, на қўлга илинадиган нарсанг бор. Тағин хафа бўлма ука, - дея гапнинг дангалини айтди-қўйди.

Синглисининг эса дарди оғирлашиб вафот этди.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ўлмаснинг меҳнаткашлиги, ишбилармонлиги қўл келди. Ер олди, тинмай меҳнат қилди, ишлари секин юришиб, иморат қурди, машина олди, кичик бўлса-да, хусусий корхона қурди, тўйлар қилди. Анчагина маблағ жамғарди.

Бугун эрта билан шаҳардаги фирмасига борганди, ўзини Фарҳод деб таништирган киши:

-Ўлмас акажон, ёрдам сўраб келдим. Ҳамқишлоқмиз. Аҳмад аканинг ўғлиман. Отам автоҳалокатга учради. Аҳволи жуда оғир. Дўхтирлар укол, дори буюришганди. Лекин камхаржроқмиз. Қарзга пул бериб турсангиз, - деди ялиниб.

-Майли, қанча керак? – сўради.

-Эллик минг сўм бўлса...

Чўнтагидан бир даста пулни чиқариб санади. Стол устига ўн минг ошиғи билан қўйди:

-Олинг, шундай пайтда ёрдам қилмасак, юрган эканмизда.

Фарҳод пулни олиб, суюнганидан санаб ҳам ўтирмай:

-Раҳмат акажон. Шундайлигингизни билгандим. Насиб этса, тез кунда қайтараман, - дея эшик томон йўналди.

-Пул топилади ака, соғлик керак, соғлик, - дея Ўлмас уни кузатаркан, раҳматли синглиси эсига тушди.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

## ХАТОЛИҒ... БАЛОЛИҒ...

***Шомир асли деновлик. Термизга кўчиб келганига уч йилдан ошди. "КамАЗ"и бор. Россияга қатнайди. Бу ердан карам, ерёнғоқ, пиёз оборади. Гоҳо ойлаб қолиб кетади...***

Келди. Қизи Муҳсина кўринмади. Хотинидан сўради: "Коллеждаги дугонасиникига кетди", - деди у. Эртасига эътибор қилди. Қизи бошқача. Кечқурун зим-зиё. Шомир хотинига қаттиқ гапирди:

-Муҳсинани гўрдан бўлсаям, ҳозир топиб келасан!!

Хотини узоқ йиғлади. Сочини юлиб йиғлади. Ҳолдан тойгунча оҳ чекди... Охири ёрилди:

-Қизингиз... қизингиз... эна бўлмай мен ўлай... қизингиз наркоман бўб қолган...

Шомир қотди. Кўзлари қинидан чиққудай бўлиб бақирди:

-Ўлдираман! Уни ўлдираман!

Шомир қизини ўлдиролмади. Бир ҳафтада икки марта Муҳсинани расвои жаҳон ҳолда уйга обкелди. Бир куни қизига ялинди:

-Қизим... бу йўлдан қай-ит! Ўзим даволатаман... бу ердан кўчиб кетамиз, - Шомир жазаваси қўзиб, бир халта пулни қизининг олдига тўкди. – Қанча пул... Қанча тақинчоқ бўлса ол, кийим десанг ол... фақат йўлингдан қайт!

Кўзи ёнган Муҳсина бир чангал пулни олди-ю, эшикдан чиқиб қочди... Шомир қизини тузатолмади. Бир дунё пул... ва қизи шарманда...

Шомир бақираётир... ўшқираётир... Хотини жим. Шомир уйга кирди. Сандиқдаги пулларни сочди... сочди... сочди... Ва пуллар устида жон берди. Ҳовлига оғир сукунат чўкди. Хотини ичкарига чопиб кирди. Қараса... пуллар аждаҳо... Гўё Шомирни комига ютаётгандай...Шомир жонсиз...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## ҚАЛДИРҒОЧ УЯСИ

***Беруний шаҳридаги қадрдонларимизнинг тўйида қўшниси Сапарбой оға деган ёшуллининг уйида қўноқда бўлдик. Хона дид билан ясатилган. Аммо деворларидаги ганж безакларига олтин суви юритилган хонанинг шифтидаги махсус қурилган уяга икки қалдирғоч бирин-кетин учиб келиб-кетиши меҳмонларнинг кўпчилигига қизиқ туюлди. Мезбон ҳам меҳмонларнинг бу ҳолатини сезган шекилли, чеҳрасида мулойим табассум аломатлари зоҳир бўлганича оҳиста изоҳ бера бошлади:***

-Уйни ўн йил олдин қургандик. Болалар ёш. Қўл калталик қилиб кўнгилдагидек таъмирлай олмадик. Шу орада мана бу хонанинг шифтига бир жуфт қалдирғоч уя қуришди. Етарли маблағ жамғардик ва кузакда усталар билан байлашиб уйни таъмирлашга киришдик. Табиийки, қалдирғочлар уяси бузилди. Шу йили тасодифан касалга чалиниб, тўшакка михланиб қолдим. Дард 5-6 йил роса тинкамни қуритди. Бир куни бузилган уя атрофида чирқиллаганча, чарх уриб учиб юрган қалдирғочлар тушимга кирди. Улар гўё уяси бузилганидан нола қилаётгандек эдилар. Бир ҳафтагача туш хаёлимни парвонадек ўраб олди, ички бир ҳис-туйғу, қандайдир илинж қалдирғочлар учун янги уя қуришга ундарди. Табиат тилсимини қаранг, анча йиллар олдинги "ўзимизнинг" қалдирғочлар учиб келди. Бола очди. Полапонларини учирма қилди. Бу йил ҳам кўрганингиздек улар шу ерда. Аввало, Яратгандан кўрдим, шукр, бедаво дарддан бутунлай фориғ бўлдим.

...Шунинг учун айтишаркан-да, қуш уясини бузган дунёни бузган билан баробар, деб.

## КЕЧИКИБ СЎРАЛГАН УЗР

***Баҳром киракашлик билан шуғулланади. Муомаласи ипакдек майин, суҳбати жонон. Шу боисми, ҳамиша сафарга шай машинасига тушувчи мижозлар ҳам бошқа касбдошларига нисбатан кўп.***

-Юрган дарё, ўтирган бўйра деганларидек, йўлда ҳар хил феъл-атворли одамларга дуч келар экансиз, - дея гурунг берди у бир куни. - Ўтган ҳафтанинг шанбаси кечқурун Беруний автовокзалидан икки киши машинамга ўтиришди. Нукусдан келаётган экан. Кўзлаган манзил – Тўрткўл шаҳри. Икковлари ҳам ширакайф. Қўлларидаги ўнга яқин папкаларни юкхонага жойладик. Бошқа йўловчи кутмасликни, тўрт киши учун ҳам ҳақ тўлашларини таъкидлашди. Сарибий овулидаги дўконданароқ, анча-мунча егуликлар олишди. Манзилга анча йўл бор. Орқа ўриндиқда жойлашган йўловчиларим ўзаро нималарнидир баланд овозда ҳангомалашганича ароқ ичишга киришишди. Хуллас, ярим соатларда манзилга келдик ва табиийки, йўл ҳақини эслатдим. Кайфи анчагина ошиб қолган мижозлардан барзангиси чўнтагидан пичоқча чиқарди ва ўдағайлаб: "Ҳозироқ кўзимиздан йўқол! Акс ҳолда кўрадиганингни кўрасан", деб қолса бўладими?!

Эрталаб машинамнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, сафарга ҳозирландим. Юкхонани очдим. Кечаги "шоввоз"лардан қолган эсдалик – папкалари турган экан. Энг қизиғи туш пайтида бўлди. Овқатланиш учун уйга борсам, кечаги йўловчиларим сўрида дадам билан нималарнидир гаплашиб ўтиришибди. Разм солдим: юзларига ташвиш аломатлари кўланка солган, сувга тушган нондек бўшашиб кетган. Улар кечаги воқеани дадамга баён қилишган шекилли, у киши: "Баҳромжон, мана бу йигитлар катта бошини кичик қилиб сендан кечирим сўраб келишибди. Эгилган бошни қилич кесмас, деган машойихлар. Кечикиб бўлса ҳам узр сўраган эканлар, қабул қилиб, омонатларини бериб юбор", дедилар салмоқ билан.

-Майли-ю, "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деганларидек бу ёшуллилар бемаза одатларини тағин бошқаларга ҳам қилмасмикинлар?

-Йўқ, йўқ, асло! Кечаги воқеа бизга умрбод эсдан чиқмас сабоқ бўлди, - дейишди улар бараварига.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ**

# ТЎРТ КИЛО КАРТОШКАга БИР ШИША СУВ

(Боши 1-бетда)

Бизни ўйлантираётган муаммо эса бозорда деҳқон ва тадбиркор саноатчилар етиштираётган маҳсулотлар нархидаги номутаносибликда.

Масалан, бир литр сут 150-200 сўм, 5-6 килолик битта қовун 350-400 сўм бўлгани ҳолда ярим литрлик идишдаги "Нестле" минерал суви Жиззахда 280 сўм, Фарғонада 260 сўм, Самарқандда 300 сўм. Ушбу минерал сувлар Наманганда қадоқланади.

NESTLE USBEKISTAN LLC корхонасининг Тошкентдаги вакили Собир Назаровнинг таъкидлашича, корхонадаги 1,5 литрлик қадоқланган "Нестле" газланган суви савдога 359 сўм, 0,5 литрлиги 181 сўм нарх билан чиқарилар экан.

Сувларнинг харидор қўлига етиб боргунча қимматлашиб кетишига сабаб эса маҳсулотнинг қўлдан қўлга бир неча бор ўтишидир.

Масалан, бир ишбилармон сувни корхонадан улгуржи сотиб олади ва бозорга олиб боради. Бозорда эса яна бошқалар сотиб олиб, улар ҳам уни дўкони бор тижоратчиларга пуллашади. Албатта, ҳар бири маҳсулотга ўзининг устамасини қўяди. Баъзилари кўпроқ мўмай даромад қилиш илинжида нархни инсофсизларча белгилайди. Шунда газланган оддий сув ҳар кимнинг ҳам олишга қурби етмайдиган ноёб маҳсулот - "олтин сув"га айланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек республикамизнинг турли шаҳарларида "Арктика", "Кавсар", "Нестле", "Шодлик", "Тянь-Шань", "Тоза ҳаёт" каби турли номлардаги минерал сувларнинг нархи ҳар хил. Балким, бу тафовут маҳсулот ишлаб чиқариладиган жойдан у сотиладиган манзилгача бўлган масофа, яъни транспорт харажатлари билан боғлиқдир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Газланган маъданли сувларни ишлаб чиқариш ва қадоқлаш унчалик мураккаб эмас. Мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам газланган ва маъданли сувларни қадоқлайдиган цехларни қуриш мумкин. Бунинг учун бироз сармоя, жиддий ҳафсала, тоза, зилол ва маъданли сув манбаи бўлса кифоя. Бундай сувлар эса Фарғонада ҳам, Самарқандда ҳам, Тошкент вилоятида ҳам исталганча топилади. Лекин негадир буни тадбиркорларимиз эътибордан четда қолдиришаётир. Юртимизда қалovини топса қорни ёндирадиган тадбиркорлар кўп. Агар улар бу ишга жиддий киришишса, мамлакатимизда энг арзон газланган сувлар савдо дўконларида бисёр бўлишига ишончимиз комил.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Балким маъданли сувларнинг савдодаги баҳосини арзонлаштиришнинг бошқа йўллари ҳам бордир. Буни, албатта, шу соҳага мутасадди раҳбарлар кўпроқ билишади. Биз эса улар ушбу мақолада кўтарилган сув муаммосига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради ва амалий чоралар кўради, деган умиддамиз. Балким шунда харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган минерал сувлар савдосидаги нарх билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш мумкиндир.**

### ХАБАР

***Олтинсой туманидаги "Янги турмуш" фермер хўжалиги асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Тасарруфидаги 40 гектар ердан ҳар йили ўнлаб тонна ширин-шакар мева-чева етиштириб, бозорларимизнинг тўкинлигига ҳисса қўшиш билан иқтисодий салоҳиятини оширмоқда.***

## САВОБ

-Қишлоғимиз аҳли азал-азалдан сув танқислигидан қийналишади. Айниқса, тоза ичимлик суви катта муаммо эди, - дейди тадбиркор Аҳмаджон Мажидов. - Ўттиз йил муқаддам олимлар келиб, ерларимизнинг ҳолатини ўрганишиб, бу ҳудудда ерости суви йўқ, деб хулоса қилишганди. Шу-шу ҳеч ким бу масала билан қизиқмади. Ичимлик суви 15 чақиримдан ташиб келтириларди. Таваккал, деб қудуқ қазий бошладик. Буни қарангки, қарийб 300 метр чуқурликгача ковлаганимиздан сўнг тоза, ширин сув отилиб чиқди. Бунақа жой қишлоғимизнинг яна тўрт жойида борлигини аниқладик. Санитария назорати ходимлари сувни истеъмолга ярокли, деб хулоса беришди. Одамларнинг қувончини кўрсангиз...

"Янги турмуш" фермер хўжалиги раиси Аҳмаджон Мажидов ўз даромади ҳисобидан 3,5 миллион сўм маблағ сарфлаб, қишлоғига сув чиқариб, аҳоли турмушини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди.

**Абдулла МЕНГҚОБИЛОВ**

# ҚИШЛОҚДАГИ КОРХОНА

***Тўрақўрғон туманининг Бураматут қишлоғидаги "Бизинтруд Тўрақўрғон" масъулияти чекланган жамияти Германиянинг "PFAFF-ZINGER" фирмаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди.***

Яқинда хорижий шериклар билан биргаликда эркаклар жинси шимини тайёрлаш учун шартномалар тузилди. Жинси матоси Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманидаги "Элтекс" акциядорлик жамиятидан келтирилади.

Фирманинг 57 та замонавий электр тикув машиналари ойига 30-40 минг дона эркаклар шими тикиб, бундан корхона йилига 35-40 миллион сўм қўшимча даромад олади. Соф фойда эса 10-15 баробар ортади. Ишчилар сони 120 нафарга етади.

Шу кунларда корхонада Гулқишлоқ, Бордимкўл, Мозорқўҳна, Қўшқайрағоч, Жанжал ва Калвак қишлоқларидан келган 10 нафар хотин-қизлар кўрпа ғилофлари, эркаклар кўйлаклари, болалар уст-бошларини тикишяпти. Моҳир чевар Лобар Нишонованинг "Greativ -7570" маркали тикув машинаси компьютер орқали бошқарилади ва 520 турдаги ишни бажаради.

-Туманимиз ғаллакорлари учун бир миллион бир юз минг сўмлик ишчи кийимлари тикиб бердик, - деди корхона раҳбари Шарифа Турдиалиева "Туркистон-пресс" мухбирига. –Бугунги кунда корхонамизда хорижникидан асло қолишмайдиган эркаклар кўйлаклари тикилмоқда. Маҳаллий буюртмачиларга сифатли ва арзон баҳодаги кўйлакларни чекланмаган миқдорда етказиб беришга тайёрмиз.

**Наманган вилояти, "Туркистон-пресс"**

# ...БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

***Баъзан атрофга боқиб, рўй бераётган воқеалар қотилликдан қолишмайдиган, кишини ақлдан оздирадиган даражадаги разиллик, жирканч ишларни кўриб ажабланиб, ёқа ушлаймиз. Кимдир буни тақдирга йўйса, биров бошқача талқин қилади. Биз ҳикоя қиладиган воқеани тақдир иши десак, тақдирнинг ўзи ҳам бундан хафа бўлиб кетса ажаб эмас. Инсон тақдирни ўз қўли билан яратади, дейишади. Агар шундай бўлса, Салимнинг тақдири қора бўёқларга чапланди, деб айтиш мумкин.***

Мана, тақдир тўқмоғи бошига тушганлардан бири Салим Шеров суднинг қора курсисида ўтирибди. У қилган ишидан албатта пушаймон. Аммо, энди кеч. Бўлар иш бўлди. Ҳеч қандай надомату, оҳвоҳлар уни ўзгартира олмайди. Салим Шеров 1967 йил Ургут туманида туғилган, маълумоти ўрта, 4 ой аввал оиласи билан қонуний ажрашган, икки нафар фарзанди бор. Муқаддам судланганида, 9 йил озодликдан маҳрум этилиб, амнистия туфайли озодликка чиққанди. Лекин, у бундан тегишли хулоса чиқармади. Яна жиноятга қўл урди.

### ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

У ўша машъум 2002 йилнинг 17 ноябр куни кундузи соат тўрт яримларда Ургут шаҳар, Навоий шоҳ кўчасида яшовчи собиқ турмуш ўртоғи Гулчеҳра Бердиеванинг уйига боради. Бу ерда ҳамқишлоғи М.Насриевнинг ўтирганига кўзи тушади ва жиноятнинг бошланишига баҳона топилади. Олган қарзини қайтариш учун келган Маҳмуд балога қолади. "Сен менинг оиламни буздинг", деб унга ташланган Салимнинг қўлига залдаги шкаф тортмасида турган ошхона пичоғи илашиб қолади. Буни кузатиб турган Гулчеҳра пичоқни олиб қўйишга интилган маҳалда пичоқ Гулчеҳранинг юзини кесиб ўтади. Пайтдан фойдаланиб қочишга шайланган Маҳмуднинг юзига ҳам чизиқ тушди. Ҳилла-базўр М.Насриев воқеа жойидан чиқиб, жуфтакни ростлайди.

Салим уй эшигини ичидан қулфлаб, ичкаридаги хонага ўтиб, ҳеч ким сезмаганлигидан фойдаланиб, шкафда турган Гулчеҳрага тегишли 20500 сўм пулни олиб чўнтакка уради. Кейин полда чалажон ётган аёлни ҳеч бир сабабсиз ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, қўлидаги ошхона пичоғи билан кўкрак қисмининг чап томонига икки маротаба уради. Олган тан жароҳатидан инқиллаб қолган, шундоғам ўлим билан олишаётган Гулчеҳрага қўлидаги пичоқни яна бир санчиб, уни ўлдиради. Ишни битиргач, уйга ҳам олов қўйиб юборади. Қилғиликни қарангки, у жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўзининг қорнига ҳам уч маротаба пичоқ тиқиб олади.

Хонадондан кўтарилган бақир-чақирдан қўни-қўшнилар албатта хабар топдилар. Қарашсаки, уй ёнмоқда. Шу орада милиция ходимлари келиб, эшикни очиб киришади...

Халқимизда бир гап бор: "Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ". Худди Салимдек ваҳшийлашган зўравонлар бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлади. Эвазига эса... Иснод, маломат, нафрат юкини орқалайди. Бунинг устига йигирма йил темир панжара ортида яшашга ҳукм этилади. Наҳотки, бир лаҳзалик умрини эзгу иш қилиб, яхши ном қолдириш ўрнига нафс ва жаҳолатга сарф этиш шунчалар осон бўлса, деб ўйлаб қоласан киши...

**Муҳиддин БАҲРИТДИНОВ, Ургут тумани прокурори.**

**Мурунтов кони Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Ишдан чиққан линиялар қайта таъмирланиб, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлантирилди. Таъмирлаш ишлари "Орика" Америка фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.**



**СУРАТДА: ишчилар Ғайрат Нисонбоев, Юрий Сирвачев ва участка бошлиғи Андрей Ким.**

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

(Боши 1-бетда)

Бундай эҳтиётсизликларнинг юз беришига кўпроқ ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни айтиб ўтиш жоиз. Таъкидлаш керакки, чўккан одамларни олиб чиқиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурида "Сувдан қутқариш" хизматлари ташкил этилган. Бугунги кунда вазирлик қошида ғаввослар мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб қутқарувчи-ғаввослар жойларда хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келяптилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Республика кўп тармоқли тезкор ҳаракат маркази, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги махсус тезкор ҳаракат қисми, пойтахт "Қутқарув хизмати" ҳамда барча вилоятларда иш олиб бораётган ғаввослар ҳар йили ёзги мавсум келиши билан сув ҳавзаларида навбатчиликни бошлаб юборадилар. Қутқарувчилар гуруҳининг аксарияти ғаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар сувга чўкканларни қутқариб олишдан ташқари, биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб олганлар. Бу ҳол ғаввослик иши Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтиёрига ўтгач, сувдан қутқариш ишларида анча ўзгаришлар бўлаётганини кўрсатади. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан бахтсиз ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Баъзи ҳолларда чуқур сув қаърига чўкиб кетганларнинг жасадини ўз вақтида топишнинг ҳам иложи бўлмай қолаяпти.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти учун ўзи курашмоғи керак. Одамлар гавжум бўлган чўмилиш масканларида сувдан қутқариш хизматининг транспорт воситалари, моторли қайиқлари, тезкор алоқа ҳар мавсумда шай ҳолатга келтирилган. Шундай бўлишига қарамасдан, биз юқорида санаб ўтганларимизнинг ўзигина кифоя қилмайди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш кони фойда.



Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган бундай кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз вилоятларидан тез-тез келиб турибди. Афсуски, сувга ғарқ бўлганларнинг ҳаммасининг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаяпти. Айниқса, қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида бундай аянчли ҳолатлар кўпроқ учрамоқда. Ачинарли томони шундаки, вазирлик навбатчилик қисмига келаётган баъзи маълумотларга кўра, сувда чўкаётганларнинг аксариятини болалар ташкил этади. Баъзан шундай ҳодисалар ҳам учрайдики, яхши ниятлар билан чўмилиш масканларига оилавий бўлиб чиққанлар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Ўтган йили Тошкент вилоятининг "Чорвоқ" сув омборида онабола чўкиб кетгани тўғрисида тушган маълумот ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди.

Айрим маълумотларга қараганда, сувдаги кўнгилсиз ҳодисаларни фақатгина чўмилиш оқибатида, деб бўлмайди. Бултур Сурхондарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасидан келган маълумот ҳам бошқалардан бирмунча фарқ қилади. Вилоят ҳудудида жойлашган "Тўпаланг" сув омбори ёқасидан енгил машина боролмайдиган қўшни қишлоққа келинкуёвни ва уларнинг қариндошларини олиб кетаётган "КамАЗ" юк машинаси носозлиги оқибатида сувга ағанаб кетган. Машинада бўлганлар ўзларини ерга ташлаб, жонларини сақлаб қолишга улгурганлар. Келинкуёв эса... Ҳар қанча қийин бўлмасин, сурхондарёлик қутқарувчи-ғаввослар сув омборининг 40 метр чуқурлигида қолиб кетган келин-куёвнинг жасадини ва катта юк машинасини олиб чиқишди.

Худди шунга ўхшаш воқеа Тошкент шаҳри қоқ марказида ҳам рўй берганди. Пойтахтнинг Гулханий кўчаси яқинидаги Оқтепа майдони орқали оқиб ўтувчи анҳорга енгил автоулов тушиб кетгани тўғрисида маълумот келган заҳоти зудлик билан воқеа юз берган жойга етиб келган пойтахт фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-ғаввослари томонидан оқ рангли "Нексия" олиб чиқилди. Машина ичидан икки фуқаронинг мурдаси топилди. Улар спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда машинага ўтирганлиги аниқланди.



Далиллардан кўриниб турибдики, сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар кўпинча рухсат этилмаган ёки қутқарув хизмати ташкил қилинмаган жойларда учрамоқда. Шунинг учун ҳам кишилар хавфсизлигини таъминлашнинг иложи бўлмаган овлоқ жойларда чўмилишда жуда эҳтиёт бўлишлари зарур.

Бу мақолани ёзишимиздан асосий мақсад шуки, ҳар бир эҳтиётсизлик инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаронинг чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши тавсия этилади. Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги кўлларда чўмилишда эҳтиёт бўлиш керак. Бундай жойларда болаларнинг назоратсиз чўмилишига йўл қўймаслик лозим. Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, сувдан қутқариш хизматини ташкил қилишда ва чўкаётганлар ҳаётини сақлаб қолишда Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасига қарашли қутқарув-ғаввосларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Бошқарма маълумотларига қараганда, 2001 йилда 36 киши сувдан қутқариб олинган бўлса, 2002 йилда эса ҳаёти сақлаб қолинганлар сони анча кўпайган.

Ўтган йили биргина Навоий вилоятида 104 нафар киши чўкаётган пайтда қутқарилган, 15 киши эса сувда чўкиб нобуд бўлган. Умуман, республикамиз бўйича 2001 йилда 320 нафар, 2002 йилда эса 76 киши қутқарувчи-ғаввосларимиз томонидан сувдан эсон-омон олиб чиқилган. Сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар сони йилдан-йилга камайиб бораётган бўлсада, афсуски бу рақамлар бизни хурсанд қиладиган даражада эмас.

Пировардида шуни айтмоқчимизки, ҳар бир инсон ўзи ва атрофидагилар учун хавфсизлик чораларини кўрсаларгина ўз оиласи ва қариндошларини чуқур қайғуга солиб, ноқулай аҳволда қолмайдилар. Чунончи, халқимиз: "Ўт балоси, сув балосидан ва бемаҳал ўлимдан Яратганнинг ўзи асрасин", деб бежиз айтмаган.

**Азамат СУЮНОВ, журналист.**

# БАҲОНА ОФАТДАН ЁМОН

(Боши 1-бетда)

Ғалла ва пахтадан мўл ҳосил кўтариш мўлжалланмоқда.

Аммо, бир вақтлар машъал ҳисобланган "Деҳқонобод" ширкат хўжалигида нега аҳвол ташвишли?

Бош чўпон қўйларни ўзлаштириб юборганлиги учун қамалиб кетди. Ҳозир бўлса атиги 100 бош майда мол қолган. Ундан бор-йўғи 61 боши совлиқ. 2002 йилда ғалланинг ҳар гектаридан 41,5 центнердан ҳосил олинди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси эса 68 фоиздан ошмади. 32 нафар ижарачининг бор-йўғи 5 нафари мўлжалдаги ҳосилни етиштирди. 28 деҳқон эса бармоқ тишлаб қолаверди. Бунинг устига хўжаликда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, спорт масаласи эътибордан четда қолиб кетаётир. Суратхона, оёқ кийимлари таъмирлаш устахонаси, ҳаммом ва бошқа турли маиший хизмат нуқталари ишламаяпти.

Афсуски, бу йил ҳам жамоанинг аҳволи яхши эмас. Хўжалик далаларида бўлганимизда айрим пудратчиларнинг айби билан ғўзаларни бегона ўтлар босган. Экинзорларни озиқлантириш ишлари ўлда-жўлда.

Тумандаги "Бешқўтон" ширкат хўжалигида ҳам дала ишларига эътибор йўқ. Раис Пиримқул Рустамовнинг фиғонидан ўт чиқади.

-Бу йил шоли экиш кечикиб кетди. Деҳқончилик талабига кўра 15 майгача 1650 гектар майдонга шоли экишимиз керак эди. Ҳозиргача 1000 гектардан ошиқроқ ерга шоли экдик, холос. Сабаби Музробод нефть маҳсулотлари корхонасидан кунига 2-3 тонна ёнилғи олаётганимизда. Хўжалигимизга эса кунига 4-5 тонна ёнилғи керак. Корхона раҳбари Чори Жумақуловга учрашсам, аввал пул ўтказиб келинг, дейди. Лекин маблағни қаердан топаман? Ахир, хўжалигимизнинг 500 миллион сўмлик кредиторлик қарзи бор-ку?

Хўжаликда 5 мингдан ошиқ киши яшайди. Уларнинг кўпчилиги тирикчиликни шу шолининг орқасидан ўтказиб келишяпти. 1600-1700 гектар майдонга шолидан бошқа экин экиб бўлмайди. Чунки, ер шўрхок, сизот сувлари ернинг юза қисмига чиқиб кетган. Шоли экиш эса ҳар йили кечиккандан кечикиб кетаётир. Шу сабабли гектаридан олинаётган ҳосил 11-12 центнердан ошмаяпти. Шундай бўлгач, хўжалик даромадини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Хуллас, Музрободдаги айрим хўжаликлар қолоқлик ботқоғига ботиб бормоқда. Сабаби етакчиларда изланиш, ташаббускорлик етишмаяпти. Қолаверса, раҳбар баҳона қидиргач қолган мутахассислар нима қилсин?

**Жовли ХУШБОҚ**

ДАВР

# БИЛИМДОНГА МУКОФОТ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида янгича амалий ишлар қилинмоқда.***

Жумладан, институтнинг иқтисодиёт факультетида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси илмий кун деб белгиланди. Мана икки ойдирки, факультетдаги мавжуд 5 та кафедра қошида тузилган илмий тўгаракка аъзо талабалар қишлоқ хўжалигидаги долзарб мавзулар бўйича илмий маърузалар қилиб, чоршанба кунги йиғилишларда ўқитувчи ва талабалар ҳукмига ҳавола этмоқда. Қувончлиси, талабалар ўз илмий мақолаларини фақат ўзбек тилида эмас, француз, немис, инглиз ва рус тилларида ҳам бемалол тушунтириб бермоқдалар.

Ҳар бир йиғилишда илмий маърузалар ўз баҳосини олаяпти ва ғолиблар тақдирланаяпти. Масалан, иқтисодиёт бўлими талабаси Динора Асановага рус ва француз, бухгалтерия бўлими талабаси Рустам Турсуновга ўзбек-инглиз, Эркин Абдуллаевга ўзбек-немис тилида қилган маърузалари учун "Омад" аудит фирмаси раҳбари Усмон Сатторовнинг қимматбаҳо совғалари ва профессор Н.Санаев томонидан ажратилган 20 минг сўмлик дарслик китоблари ҳадя қилинди.

**Иброҳим САЛОМОВ,**
**Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти.**
**Акрам ҲАЙДАРОВ,**
**журналист.**

# УМИД МАШЪАЛИ СЎНМАСИН

**(Боши 1-бетда)**

Буйракусти бези ва шу каби муҳим саналган, гармон ишлаб чиқарувчи бошқа безлар фаолиятининг бузилиши туфайли, бош миянинг гипофизига тескари "туртки" бериш асоратларидан келиб чиқаётган, ҳаёт учун хавфли бўлган касалликларни даволашнинг энг мақбул усуллари амалиётга жорий этилдими?

Далилларга мурожаат этайлик. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Эндокринология институтидан олинган маълумотларга қараганда, 2003 йилда шу касаллик билан оғриган 22 минг 912 нафар бемор рўйхатга олинганлиги, шунингдек буйракусти бези билан 2 минг 14 нафар, гипофиз бези касаллигининг семириши билан боғлиқ патологияси аниқланган 11 минг 215 кишига тиббий ёрдам кўрсатилаётгани тасдиғини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гипоталамус-гипофиз ва буйрак усти бези касалликларининг турли патологияси билан оғриганлар сони тобора ўсмоқда. Манбага қараганда, бу кўрсаткич 36 минг 143 нафар рўйхатга олинган беморни ташкил этади, ёинки касалликка чалинаётганларнинг ҳар 100 мингдан 143 нафари касалланаётганини англаш мушкул эмас.

Рақамлардан яққол кўриниб турибдики, айни вақтда гипофиз бези аденомаси мамлакатимиз миқёсидаги жиддий муаммолардан бири. Масаланинг ачинарли томони шундаки, гипофиз аденомасини олиб ташлашда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган трансфеноидал аденомектомия усули ҳанузгача нейрохирургия амалиётига тадбиқ этилмаган. Нега?!

Шу каби саволлар билан нейроэндокринология бўлими бошлиғи, медицина фанлари доктори Замира Ҳалимовага мурожаат қилдик.

**-Замира Юсуповна, бугунги кунда эндокрин безлар, хусусан гипофиз бези фаолиятининг бузилиши туфайли оғриган беморлар асосан қаердан келишган? Касалликнинг олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Муолажанинг самарали усуллари амалиётга тадбиқ этиляптими?**

-Сўнгги йилларда сайёрамиз, жумладан Ўзбекистон экологиясининг бузилиши ҳам эндокрин безлар фаолиятининг кескин бузилишига, бунинг оқибатида эса касаллик билан оғриётганлар сони тобора ўсишига сабаб бўлмоқда. Тахминларимизга қараганда, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё, Жиззах вилоятларида гипоталамус-гипофиз бези аденомаси билан безовта бўлганлар тез-тез мурожаат этишмоқда. Балки бошқа вилоятларда ҳам эндокрин безлари оғриган беморлар бордир, лекин гипофиз аденомаси билан жанубий ҳудудимиздан, шунингдек, водийдан келаётганлар нисбатан оз.

Даволаш масалаларига тўхтайдиган бўлсак, беморларнинг ҳаммасига бирдек жарроҳлик аралашуви тақозо этилмайди. Нур билан, дори-дармон билан даволаш самарасиз бўлган шароитда, албатта, тиғ аралашади. Гипофиз бези аденомасини олиб ташлаш операциялари Нейрохирургия институтида, Республика тез ёрдам марказларида устозларимиз томонидан амалга оширилган. Зарур ҳолларда бундай операцияларни қилиш мумкин.

**-У ҳолда беморларнинг операциядан иккиланишларини, чўчишларини қандай тушуниш керак? Бош мия қопқоғини очиб қилинадиган жарроҳлик амалиётининг самараси ва мия аъзоларини, тўқималарни шикастлантириш даражаси қандай? Нега беморлар бундай операциядан кўра сўнгги кунларини "тинчгина" яшашни маъқул топадилар?**

-Одам бош миясининг нечоғлик аҳамиятли эканини ва шу билан бирга гипофиз безининг ўта мураккаб жойлашганини ҳам кўпчилик яхши билади. Дастлабки услубда операция қилинганда мия тўқималари тагида ўрнашган 4-5 грамм оғирлигидаги безни ўсмалардан зарарсизлантириш учун бошқа аъзоларни ҳам ўрнидан қўзғатишга тўғри келади ва баъзи ҳолатда, жарроҳлик амалиётидан сўнг бемор битта гармон ўрнига 8 та гармон дори истеъмол қилишига тўғри келади. Бу эса беморнинг батамом соғайиб кетиши анча чўзилиши ва шу каби бошқа асоратли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам айрим беморлар бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилмай, операцияга розилик бермаган бўлишлари мумкин.

**-Бу жарроҳлик амалиёти бошқа ривожланган мамлакатларда қандай бажарилади? Беморнинг босқичма-босқич соғайиши учун жарроҳликда қайси усул кенг қўлланилади?**

-Америка, Европа давлатларида, шунингдек, Россияда ҳам гипофиз безининг аденомасини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашда **трансфеноидал аденомектомия** усули кенг қўлланилади ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам ана шу усулни эътироф этади. Чунки бу усулнинг қулайликлари ва самарадорлиги жуда юқори. Трансфеноидал аденомектомия йўли билан мия қопқоғини (жароҳатлаб) очишдан, манипуляция чоғида нерв миянинг бошқа аъзолари – нафас тўқималарига механик таъсир етказишдан фарқли ўлароқ, бурун деворини тешиш орқали микрожарроҳлик ускуналари ёрдамида олиб ташланади. Муҳими, гипофиз аденомасининг дастлабки босқичида, ўсмани 0,3 сантиметрдан то 1 сантиметргача катталашган чоғида аниқлаш лозим.

Бундай операциянинг баҳоси Англияда 18 минг фунт-стерлинг бўлса, Россиянинг Гурдиенко номидаги нейрохирургия марказида (муҳожирлар учун) 2,5 минг АҚШ долларига, Ҳарбий медицина академиясида эса 670-1000 АҚШ долларига тенг.

**-Анъанавий усуллар билан даволанганда давлат сарф-харажатлари қанча бўлиши мумкин?**

-Ҳисоб-китобларга қараганда, гипофиз бези аденомаси билан оғриган беморларнинг 28 фоизини дори-дармон билан даволаш мумкин. Шундан 59 тасига "Сандостатин" тавсия этилади (1534 та препарат, 76 минг 700 АҚШ доллари). Ҳали бу препаратлар республикамизда рўйхатга олинмаган. 200 нафар беморга самарали дори воситаси – "ДОСТИНЕКС" тақозо этилади. (Ва бу 1400 дона препарат 86 минг 800 АҚШ доллари) ва гипофиз безига бевосита дахлдор бошқа касалликларни даволаш учун 63-64 минг АҚШ доллари баҳосидаги дори-дармон ишлатилади. Трансфеноидал аденомектомия микрожарроҳлик технологияси асбоб-ускуналарининг баҳоси эса 30 минг АҚШ доллари атрофида туради, видео-аудиомониторлар ва коммуникацияси билан биргаликда, нари борса 100 минг АҚШ доллари туради. Агар шу тиббий ускуналар бўлганида катта миқдордаги валюта (дармон дори сотиб олишда сарфланаётган) тежаб қолинган, пировардида эса қанча-қанча беморларнинг кўзига нур бахш этилган, бепуштлик азобида ўртанаётганларнинг дардига малҳам қўйиган бўлар эдик...

Маълум бўлдики, баъзи беморлар Россиянинг Ҳарбий академиясида 670 АҚШ доллари тўлаб, ҳаётга яна йўлланма оладилар. Улар бор, соғ-саломат. Нейроэндокринолог шифокор, медицина фанлари доктори Замира Юсуповна айни вақтда номи юқорида айтилган нуфузли академияда гипофиз аденомаси операцияларини **трансфеноидал аденомектомия** услубида муваффақиятли бажараётган ҳамкасбларини Ўзбекистонга таклиф этиш ва шу ерда, ҳамкорликда беморларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда. Бу ҳам муаммони қисман ҳал этиш йўли. Албатта, бундай муаммолар ҳукумат миқёсида ҳал этилса уни бартараф этиш анча осон кечарди...

Бу дунёда умрини яшаб бўлмасдан ҳеч кимнинг ҳаётдан кетгиси келмайди. Ҳа-ҳа, бу дунёдан, сиз-биздан, яқинларидан кўнглини узолмайди. Шундай экан, у "барибир тузалиб кетарман", деган илинж билан, умид билан яшайди. Ҳар хил идора ва клиникаларнинг эшигини тақиллатади. Чорасизликда, "осмон баланд – ер қаттиқлигини" англаб етганида тақдирига тан беради. Умидлари чилпарчин бўлади. Ҳа-ҳа, ҳаёт интиҳосидагина умидлари ўлади. Ҳар ҳолда уларнинг тақдирига бефарқ қараш виждондан эмас...

**Абдулла МЕНГҚОБИЛОВ**

# SPORT OLAMIDA

## УЧИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШДИ

***Грецияда ўтказилган таэквандо бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.***

86 та давлат таэквандочилари ғолиблик учун кураш олиб борган ана шу нуфузли турнирда спортчиларимизга битта олтин, бешта кумуш, 8 та бронза медаллари насиб этиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишди.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

***Ҳиндистонда бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати мамлакатимиз юнон-рум курашчиларининг маҳоратлари тобора ортиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.***

Турнирда ўзбекистонлик юнон-рум кураши усталари 2 та олтин, 3 та кумуш ва бир неча бронза медалларини қўлга киритишди. Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спортимиз мутасаддилари ҳамда юнон-рум кураши мутахассислари, мураббийлару полвонлар иштирокида ўтказилган йиғилишда юнон-рум кураши бўйича шу кунгача қилинган ишлар ҳамда келгуси режалар ҳам белгилаб олинди.

## ЎЗБЕК КУРАШИ – ЖАНУБИЙ АМЕРИКАДА

***Ўтган йили Осиё минтақаси ўйинлари таркибига кирган ўзбек кураши жаҳон узра қанот ёймоқда.***

Жанубий Америка қитъасининг Аргентина, Бразилия, Чили, Эквадор, Парагвай давлатларида аллақачон тан олинган ва мусобақалар ўтказилаётган ўзбек кураши жорий йилдан Жанубий Америка спорт ўйинлари таркибига кирганлиги Тошкент шаҳрида бўлган спорт мутасаддиларию полвонлар, кураш мураббийлари иштирокидаги матбуот анжуманида маълум қилинди. Эндиликда Боливияда ўтадиган ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати мусобақаларига Ўзбекистон терма жамоасининг тайёргарлиги йиғилишда муҳокама этилди.

## ОМАДИ ЧОПМАГАН КЛИЧКО

***Шанба куни бокс ишқибозлари учун ҳақиқий байрамга айланди, десак муболаға бўлмайди.***



АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида профессионал бокснинг оғир вазнида жаҳон чемпионлиги учун Буюк британиялик Леннокс Льюис ҳамда украиналик Виталий Кличколар рингга кўтарилишди. Айни кунларда жаҳон чемпиони ҳисобланган Льюисни бир йилдан бери жангга чорлаётган Виталий Кличко шу кунгача 32 марта ғалаба қозонган, 31 учрашувни нокаут билан енгган, фақат биргина беллашувда енгилган, оғирлиги 112 килограмм, бўйи 2,2 метр бўлиб, Ленноксга ҳақиқатанда биринчи даъвогар ҳисобланади. "Қирол шер" лақабли Леннокс эса рақибидан 4 килограмм оғир бўлишига қарамай бўйи 1 метру 98 сантиметр, аммо қўллари Кличконикидан 13 сантиметр узунлиги ҳисобига ушбу баҳс муросасиз ўтиши тахмин қилинганди.

Хуллас, беллашув мутахассислару мухлислар башорат қилганидек, Ленноксниг устунлигида кечмади. Аксинча Кличко 1- 2-раундларда рақибига кетма-кет аниқ зарбалар бериб, ҳатто бир марта англиялик боксчини нокдаун ҳолатига туширди. Аммо 3-раундда чап қошидан жароҳатланган Кличкога учрашувни юқори темпда ўтказиш ва жангни ўз фойдасига ҳал этиш насиб қилмади. Қошидан яна бир-икки жароҳат олган Кличконинг норозилигига қарамай 6-раундда учрашув тўхтатилди. Ва Леннокс Льюис техник нокаут билан ғалаба қозонди.

## ИРОДА ЕНГИЛДИ

***Голландияда теннис бўйича аёллар ўртасида уюштирилган халқаро турнирда Ирода Тўлаганова рақибларини мағлубиятга учратаётганди.***

Турнирнинг чорак финалида германиялик Ритнерга рўбарў келган Ирода кутилмаганда ўзидан анча кучсиз ҳисобланган рақибига енгилиб, мутахассислару мухлисларни ҳайратга солди. Беллашув 2/6, 1/6 ҳисобида якунланди.

## БАСКЕТБОЛЧИЛАР – БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Пойтахтимизда баскетбол бўйича ёшлар ўртасида "Камолот" кубоги баҳсларининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда турли хил корхона-ташкилотлар ҳамкорликларида уюштирилган тадбир байрамона тус олди. Ёзги таътил кунларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг баскетболга бўлган меҳрини ошириш, муҳими, маҳаллаларда ҳам баскетболни оммавийлаштириш мақсадида уюштирилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар жамоалари иштирок этишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**
*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*
**EFFEKTIV OIL**
хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда
**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини**
СОТИБ ОЛАДИ
Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласиз.
Турли хилдаги уруғ ва данакларни сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотларни юқоридаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**
**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**

**OSIYO BATAREYA**
**QO`SHMA KORXONASI**
**БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОҲИБЛАРИГА 20 ТУРДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТЛАРНИ**
**Таклиф этади**
**БИЗНИНГ АККУМУЛЯТОРЛАРИМИЗ:**
***-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚЛИМИГА МОС.***
***- ЮҚОРИ ҚУВВАТГА ЭГА.***







***- ЭНГ АСОСИЙСИ ИШОНЧЛИ ВА ЎРНАТИШГА ҚУЛАЙ***
**СОТИБ ОЛИНГ, СИНАБ КЎРИНГ, СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!**




**Телефонларимизни эслаб қолинг:**
**8-(371) 148-07-20; 148-07-30; 148-07-40; 148-50-70.**
**Факс: 148-07-50.**




ФЕСТИВАЛ

# ИҚТИДОР СИНОВИ

***Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида "Талабалар ижодиёти IV кўрик-фестивали" ҳамда очиқ эшиклар куни бўлиб ўтмоқда.***

Маълумки, айни кунларда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида 2003-2004 ўқув йили учун қабул эълон қилинган. Мазкур олийгоҳ эса санъат йўналиши бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи республикадаги ягона маскан ҳисобланади. Фестивалнинг абитуриентларни қабул қилиш даврида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Яъни, абитуриентлар очиқ эшиклар куни мобайнида олийгоҳ талабалари иштирокида саҳналаштирилган турли жанрдаги спектаклларни томоша қилиб, ҳам ўзига хос кўникма ҳосил қилишса, ҳам қайси факультет ёки бўлимга ҳужжат топширишда бир қарорга келишлари бирмунча осонлашади.

Фестивалда битирувчи ва ўтиш босқичидаги курс талабалари саҳналаштирган спектакллар намойиш қилиниши кўзда тутилган. Софоклнинг "Шоҳ Эдип", Вассерманнинг "Какку уяси узра парвоз", Ҳамзанинг "Ким тўғри?", А.Қаҳҳорнинг "Аяжонларим", Э.Хушвақтовнинг "Қирмизи олма", Т.Қозоқбоевнинг "Аждаҳо" каби асарлари ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга фестивал кунлари мобайнида янги фильмлар танлови ҳамда фотокўргазмалар ташкиллаштирилиши ҳам режалаштирилган.

Фестивал ғолиблари 27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни аниқланади. Шу куни институтнинг бу йилги битирувчиларига бакалаврлик дипломлари ҳам топширилади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

**- ТУЯ КЎРДИНГМИ?..**



**Б.АКРАМОВ** олган сурат-лавҳа.

**ДОЧЕРНЕЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "DEMIR LINE" (ТУРЦИЯ)**
**(БЫВШЕЕ ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ИП ОАО "DEMIR LINE")**
В СВЯЗИ С РЕОГРАНИЗАЦИЕЙ ОБЩЕСТВА И ПЕРЕОБРАЗОВАНИЕМ В ДОЧЕРНЕЕ ПРЕДПРИЯТИЕ **"DEMIR LINE"** (ТУРЦИЯ), ИЗВЕЩАЕТ О ЗАКРЫТИИ РЕЕСТРА АКЦИОНЕРОВ
Дочернее предприятие **"DEMIR LINE"** (Турция) зарегистрирован Министерством юстиции Республика Узбекистан за №3293 от 12.06.2003 года в качестве правопреемника ИП ОАО **"DEMIR LINE".**
Заинтересованные лица могут ознакомиться с информацией (материалами) по адресу:
**г.Ташкент, ул.Бухоро-26.**
**Справки по тел.: 133-81-48**

# АНЖИРЧИДАН ЧИҚҚАН ПОЛВОН

***Анжирчи Урганч туманида, вилоят марказининг шундоққина биқинидаги қишлоқ.***

Бир пайтлари анжирлари билан шуҳрат қозонган бу гўша эндиликда миллий кураш бўйича спорт устаси ва республика тоифасидаги ҳакам, самбо ва эркин юнон-рум курашларидан спорт усталигига номзод Баҳодир Бекчонов билан ҳам янада довруғ таратди.

Баҳодир Бекчонов болалигидан тоғаси Сапарбой акага ҳавас қилиб курашга меҳр қўйди. У вақтларда қишлоғида спорт тўгараклари, умуман, шароит йўқлиги сабаб, дўстлари билан тўғри келган жойда кураш тушиб машқ қиларди. Бу орада қизиқиш ва иштиёқ уни Урганч шаҳридаги Комилжон Ботиров раҳбарлигидаги кураш тўгарагига етаклади. Машғулотларда "тобланган" полвон шу тариқа курашларда чиниққанидан, спорт тўгарагидан кеч қайтганида ўн чақирим йўлни неча маротабалаб пиёда босиб ўтганди.

ФАХР

Ҳаётда ҳам, машғулотларда ҳам курашиб чиниққан полвон 18 ёшда вилоят чемпиони бўлди. Дастлаб Самарқанд жисмоний тарбия техникумида, кейинчалик Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олди. Иш фаолиятини эса қишлоғидаги Собир Раҳимов номли мактабда бошлади. Фақат жисмоний тарбия дарсидагина эмас, дарсдан кейин ҳам машғулотлар ўтказиб, Анжирчидан ўзи сингари кўплаб полвонларнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлди.

Қизиғи, ўша вақтлари кураш гиламларининг тақчиллиги туфайли Баҳодир ака белгиланган хонага сомон тўшаб машғулот ўтказади. Кейинчалик Баҳодир Бекчонов Урганч тумани, ундан сўнг вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эркин курашдан ёшларга сабоқ берди.

Мана чорак асрки, Баҳодир Бекчонов кураш "олами"да. Ана шу давр мобайнида унинг Қаҳрамон Обдалов, Рўзибой Қобулов, Ҳалим Юсупов, Ойбек Абдуллаев, Мақсуд Ўрозметов, Шавкат Холметов, Даврон Қаландаров ва Раззоқ Болтаев каби бир қатор шогирдлари республика ва халқаро миқёсдаги ўнлаб танловларнинг ғолиб ва совриндорлари, спорт усталари бўлиб етишишди.

Баҳодир Бекчонов нафақат донгдор полвон, ўнлаб шогирдлар мураббийи, балки моҳир шарҳловчи ҳамдир. Воҳада ўтказиладиган деярли барча спорт мусобақаларини вилоят телевидениеси ва радиосида шарҳлаб, хоразмлик ишқибозлар орасида "Хоразмлик Маҳарадзе" лақабини олган.

Бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб турадиган "Махарадзе" ўзининг журъатлилиги ва қатъиятлилиги боис, вилоят спортига оид кўплаб муаммоларни матбуотда кўтариб чиқиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига кўмакчи ҳам бўлган.

53 яшар Баҳодир аканинг шу сингари хизматлари боис спорт ишқибозлари ғоят хурмат қилишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт мураббийи Баҳодир Бекчонов ҳамон кураш майдонида шогирдлар тарбияси билан машғул.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1984 йили Абдуселимов Лазимбег Курабеговичга берилган КВ № 839643 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бухоро вилояти Ромитан тумани Боғча қишлоғида жойлашган "Шамс-Шер" хусусий фирмасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан № 1377-02 реестр рақами билан қайд этилиб, 2002 йил 15 октябрда берилган лицензия, 1881-сонли вақтинчалик рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 1998 йил 28 июлда "Ўзйўлтаъминот" бошқармасига берилган № 0297187, 0297195 рақамли лицензия карточкалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги ulgurji-chakana savdo ishlab-chiqarish jamoa korxonasi - "Vositachi savdo" тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел. 56-57-16.

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 54-катталар таълим маркази томонидан 2001 йил 20 июнда Атаматов Шуҳрат Шермуҳаммедович номига берилган O'R - № 1231582 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "Ғофиржон" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 63-82-45.

Тошкент шаҳридаги 18-касб-ҳунар мактаби томонидан 2002 йил 21 июнда Балтабаева Сарвиноз Муратбаевнага берилган КНМ № 046441 (рўйхат рақами № 2631) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер № 09-01/3699 от 2.03.93 права собственности Исламовой Флеры Мухамедгалиевны на квартиру считать недействительным.

"Ўзкартошканавуруғлари" фирмаси жамоаси "Тошкентвино" комбинати Бош директори Миробид Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси

**ҲУРРИЯТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
**ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Ҳабиб ТЕМИРОВ** (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), **Ғафур ШЕРМУҲАММАД** (масъул котиб), **Озод ШАРОФИДДИНОВ.**

МУАССИСЛАР:
**Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** – 136-58-83. **Бош муҳаррир ўринбосарлари** – 133-16-27, 133-44-43. **Котибият** – 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар** – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. **Факс** –133-09-93, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** – 8-374-2-25-32-23; **Бухоро** – 8-365-22-648-22; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** – 8-436-22-588-56; **Наманган** - 8 – 369-43-311-81; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-233-00-52; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-225-41-73; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони:**
**133-44-43, 136-58-83.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:**
Д.УЛУҒМУРОДОВ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-471, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00.
Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

1 2 3 4 5 6